

**KUALA LUMPUR,
MALAYSIA**



**Proceedings of
3rd International Multidisciplinary Scientific Conference**

INGENIOUS GLOBAL THOUGHTS

- Free Publication
- E- Proceedings
- E-Certificate
- Virtual Presentations

May, 31st 2021

Conference Theme

**Social Sciences Humanities
Education Management
Technology**

Editor

Po'latov Jalil Abdisalom o'g'li

Email:

jalilpolatov@gmail.com

**Tashkent State Pedagogical
University**

COPE

zenodo

Platform &
workflow by

OJS / PKP

OpenAIRE

www.conferencepublication.com



76. FORECASTING AND DIAGNOSTICS OF PREECLAMPSIA ON PRECLINICAL STAGE

Abdullaeva Bargizoda Abdugaffar Kizi

243-245

77. THE CONCEPT OF PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL COMPETENCE ITS SPECIFIC CHARACTERISTICS

Ruzmatov Abduvoxid Abduqahhorovich

246-249

78. THE TASK OF FREE VIBRATIONS OF HIGH-RISE BUILDINGS WITH A CYLINDRICAL RESERVOIR WITH FLUID

Axmedov Azamat Xaitovich , Pardayev Rovshan Karimovich

250-254

79. CLASSIFICATION AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF VIRTUAL REALITY COMPUTER GAMES

Khaydarova Aqida Xurram qizi

255-259

80. SOCIAL PEDAGOGICAL EDUCATION IN WORK EDUCATION THE IMPORTANCE OF DEVELOPMENT

Mumindzhanova Saida Khaitmatovna

260-262

81. SPECIFIC SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PSYCHOLOGICAL SERVICE

Yakhshimbekova Sayora Kamalovna

263-265

82. PROMOTING EQUALITY IN THE FAMILY - STRESS IN ADOLESCENTS PREVENTION FACTOR

Yakhshimbekova Sayora Kamalovna

266-268

SPECIFIC SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PSYCHOLOGICAL SERVICE

Yakhshimbekova Sayora Kamalovna

Chirchik state of Tashkent region

1st stage master of pedagogical institute

yaxshimbekova79@gmail.com

Annotation: The scientific article provides a theoretical approach to the organization of psychological services for adolescents. Psychological services for adolescents are based on the need for diagnostics and psychological prevention of various mental and emotional problems that arise in the performance of their duties, as well as the need for psychological correction.

Keywords: Psychodiagnostics, psychocorrection, psychological prevention, psychologist, emotion.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Яхшимбекова Сайёра Камаловна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат

педагогика институти 1-босқич магистранти

yaxshimbekova79@gmail.com

Аннотация. Илмий мақола мазмунида ўсмирларда психологик хизматни ташкил этишга назарий ёндошилган. Ўсмир ёшдаги психологик хизмат улардаги ўз вазифаларини маромида бажариш фаолиятида вужудга келадиган турли рухий - эмоционал муаммолар диагностикасини ҳамда психологик профилактикасини бажариш, шунингдек, психологик коррекциясини ўтказиш заруратини турли омиллар билан асосланган.

Калит сўзлар: Психодиагностика, психокоррекция, психологик профилактика, психолог, эмоция.

Маълумки, таълим жараёнида бир – бирига боғлиқ бўлган икки нарса - нимани ва қандай ўқитиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Биринчиси дарслар жадвалидаги ўқув фанини англатса, иккинчиси уни ўқувчиларга қандай етказиш йўл ва воситаларини, яъни мазкур фанни ўқитиш услубиятини ифодалайди. Айнан тўғри танланган услубият инсонларга ҳаётда оқилона йўл топишнинг энг осон шарт – шароитларини топишга имкон беради [4]. Албатта, турли – туман фанлар орасида уларнинг мазмун – моҳияти нуқтаи назаридан тафовут бўлгани сингари, уларни ўқитишда ҳам ўзига хос фарқлар бўлиши табиий. Шу маънода олий ўқув юртларида психология фанини ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирларга психологияни ўргатишдан мақсад улар онгига турли хил вазиятларда инсонлар билан ҳамкорлик қилиш имконини берадиган назарий ва амалий билимларни сингдириш баробарида, уларнинг ҳаёт – фаолиятларини ҳам ўзгартиришдан иборат. Чунки психологик онгнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билим ва ҳатти – ҳаракатларни бирлаштиради, яъни унда назария ва амалиёт бирлашиб кетади.

Гарчи психология моҳият эътибори билан гуманитар фан ҳисобланса – да, унда табиий, биологик фанларга хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Шунга кўра унга баъзи олимлар биоижтимоий фан сифатида баҳо беришади. Бир қатор тадқиқотчилар ишларида эса психологияга ижтимоий – тарихий фан сифатида қаралганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин [2]. Шунинг учун ҳам психология муаммоларини ўрганишда табиий – илмий услублар билан бир қаторда ижтимоий – гуманитар фанларга оид усуллар ҳам қўлланилади. Биз психологияни гуманитар фан дедик, гуманистик билиш марказида эса, ҳар доим

буюм эмас, шахс туради, яъни бунда субъект – объект эмас, балки субъект – субъект муносабати шаклланади; буюмни ва инсонни ўрганиш эса бир – биридан тубдан фарқ қилувчи жараёнлардир. Буюмни ўрганишда тадқиқотчининг ўзигина фаоллик кўрсатса, бундан фарқли равишда шахсни ўрганишда тадқиқотчидан ўрганиш объектига “кириб бориш” талаб этилади. Ўрганишнинг бу шакли икки томонлама акт ҳисобланади, чунки шахсни фақатгина фаолиятда ўрганиш мумкин. Шундай экан, дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи шахси муҳим аҳамият касб этишини эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун ҳам психологиядан бўладиган дарс машғулотида ўқув мақсадига тўла – тўқис эришиш учун ҳар бир курсант ўқитувчи, шунингдек, бошқа курсантлар билан ҳам фаол мулоқот - ҳамкорликка киришиши лозим. Бунга таълимнинг муаммоли ва интерфаол шакллари, айниқса, мос келади. Бизнингча, бу фандан бўладиган ўқув машғулотида самарали ташкил этиш учун қуйидаги 3та шарт бажарилиши зарур: ўқувчилар билан ҳар томонлама ҳамкорлик; ҳар бир машғулот доирасида ўқув вазифалари тизимини яратиш (ҳар бир курсантнинг индивидуал имкониятларини эътиборга олган ҳолда); курсантларнинг ўзлари ва ўзгалар ҳақида билишга бўлган қизиқишларини ошириш. Шу ўринда юқоридаги шартларнинг иккинчиси тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, психологиядан ўқув топшириқлари яратиш анча қийин машғулоти ҳисобланади, чунки у ёки бу руҳий вазиятларнинг ҳосил бўлишида жуда кўп омиллар иштирок этади – ки, ҳар доим ҳам уларни эътиборга олиш имкони бўлавермайди.

Маълумки, умуман ижтимоий – гуманитар фанлар доирасида, хусусан эса психологияда инсон фаолияти уч турга, яъни ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларига бўлиб ўрганилади. Баъзи тадқиқотчилар бунга тўртинчи фаолият шакли сифатида ҳордиқ чиқаришни ҳам қўшишади. Шу маънода, психологияда таълимга тайёргарлик, яъни умумлаштирувчи фаолият сифатида қаралиб, у ўз ичига ўйин, меҳнат, ва ҳатто, ижодни ҳам қамраб олади.

Агар дастлабки тадқиқот ишларини назарда тутадиган бўлсак, психология бўйича тадқиқот ишлари тарихи бир асрдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Бу соҳадаги энг биринчи илмий – тадқиқот ишлари рус олими И. Турчинский номи билан боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда таълим муассасаларида психологик хизмат болалар ва ўсмирлар фаолиятида вужудга келадиган турли руҳий - эмоционал муаммолар диагностикасини ҳамда психологик профилактикасини бажариш, шунингдек, психологик коррекциясини ўтказиш, ўқув вазифаларини маромида бажариш мақсадида ўтказилади. Унинг заруратини қуйидаги омиллар билан асослашимиз мумкин:

- Сўнгги йилларда ўсмирлар орасида суицид ҳолатларининг ортиб бораётганлиги;
- фаолият жараёнида стресс ҳолатларининг тез-тез содир бўлиши;
- ўсмирлардаги муаммоли ҳолатлар;
- ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг ошиб бораётганлиги.

Шу нуқтаи назардан, таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалиётчи психологлар учун муҳим ҳисобланган вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1. Ўсмирлардаги психологик саводхонликни оширишга қаратилган таълимий - тарбиявий ишларни амалга ошириш;
2. Ўсмирлар билан психологик диагностика ишларини бажариш;
3. Ўсмирлар билан психологик коррекция ишларини ташкил этиш;
4. Психологик маслаҳат ишларини йўлга қўйиш.

Ўсмирлар орасида психологик хизматни ташкил этиш билан боғлиқ яна бир масала ўсмирлар психологик тайёргарлиги бўйича масъул шахсининг фаолиятига нисбатан қўйиладиган талаблар билан боғлиқ бўлиб, бу нарса турли хил сўровномалар яратиш, шунингдек, психологик маслаҳатга пухта тайёргарлик кўришдан иборат.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир, бу баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутати” [1].

Таниқли олим, психология фанлари доктори, профессор Ғ.Б.Шоумаров ҳақли равишда эътироз билдирганидек, мамлакатимизда психология соҳасида илмий – тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаяпти [3].

Шу жиҳатдан Исроил, Франция, Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси, АҚШ, Норвегия каби мамлакатлардан ўрнатилган оқшар арзийди [2]. Биз ҳозирча психология бўйича турли адабиётлар яратишда рус ва бошқа тиллардаги ўқув ва илмий манбалардан фойдаланаяпмиз, ҳалос. Бунинг яна бир салбий жиҳати шундаки, бу қўлланмалар ўша жой ва халқнинг менталитетига мослашган, табиийки, уларни ҳеч бўлмаганда ўзимизга мослаштиришимиз зарур.

Бугунги кунда ўсмирлар билан ишлаганда уларнинг аввалги авлодга нисбатан фарқли томонларини ҳам эътиборга олишимиз зарур, албатта. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси – ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий - маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир. Агар таълим тизимида фаолият юритаётган психолог мутахассислар фаолиятини рисоладагидек ташкил эта олсак, бу соҳадаги илмий – тадқиқотчилик ишларимиз жонланишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 29 август.
2. Р.Самаров. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Тошкент: Akademiya, 2010. – 20 б.
3. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети “Замонавий психология фанининг амалий имкониятлари” мавзусида хорижлик мутахассислар иштирокидаги илмий- амалий конференция материаллари. 10 ноябрь 2018 й. 10-бет.
4. А.Радугина. Психология и педагогика. – М, 2003. – С.11.